

№ 01-11/3  
01.12.2021 йил.

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Ўзбекистон Республикаси

“Ўзархив” агентлиги директори,

Илмий кенгаш раиси



У. М. Юсупов

2021 йил 1 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги хузуридаги  
Илмий кенгаш йиғилиши  
БАЁННОМАСИ**

2021 йил 1 декабрь

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи: - У. М. Юсупов “Ўзархив” агентлиги директори,  
Илмий кенгаш раиси
- Қатнашганлар: - Ш. Г. Садиков “Ўзархив” агентлиги директори  
ўринбосари, раис ўринбосари
- Илмий кенгаш аъзолари - А.Алиев, А.Файзуллаев, Д.Закирова, Б.Ахмедов,  
М.Мирзаахмедов, Д.Кучарова, М.Норкулов,  
М.Исакова, Д.Зияева, З.Рахмонкулова, Ш.Хайитов,  
Х.Курбанов, М.Рахматуллаев, Д.Кучарова,  
Ш.Чориев, А.Ишматов, Ш.Абдурахимова,  
А.Махкамов, Т.Мўминов, З.Сулаймонова
- Таклиф қилинганлар - А.Х.Абдуллаев, М.Ҳайдаров, Б.Аббасов,  
С.Гаиббердиев, М.Махмудов, Г.Касимова,  
М.Шорахбарова;  
Наманган Давлат университети Тарих факультети  
Архившунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. А.Х.Абдуллаевнинг “Давлат ташкилотларининг архив фаолиятини ахборот-ҳужжатли ва метрологик таъминлаш усуллари, моделлари ва алгоритмлари” мавзусидаги докторлик диссертация иши муҳокамаси тўғрисида.**

**II. Илмий кенгаш фаолиятига оид турли масалалар.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

# **И. А.Х.Абдуллаевнинг “Давлат ташкилотларининг архив фаолиятини ахборот-хужжатли ва метрологик таъминлаш усуллари, моделлари ва алгоритмлари” мавзусидаги докторлик диссертация иши муҳокамаси тўғрисида**

(У.Юсупов, А.Абдуллаев, М.Ҳайдаров, М.Рахматуллаев, М.Исакова, Б.Ахмедов, З.Рахмонкулова, У.Юсупов)

1. Илмий кенгаш йиғилишини “Ўзархив” агентлиги директори, Илмий кенгаш раиси У.Юсупов очиб бериб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништириб ўтди.

Илмий кенгаш йиғилишида биринчи масала, яъни “Архив фаолиятини автоматлаштиришнинг долзарб муаммолари ва асосий жиҳатлари ҳамда унинг метрологик таъминоти масалалари” мавзусидаги диссертация иши бўйича маъруза қилиш учун сўз А.Х.Абдуллаевга берилди.

2. Диссертация ҳимоячиси А.Абдуллаев ўз маърузасида: Диссертация мавзусининг долзарблиги ва тадқиқотлар доирасида ўтказилган хорижий тажрибаларнинг таҳлили, муаммоларни ҳал этиш борасида ишлаб чиқилган ечимлар ва уларнинг илмий аҳамияти ва зарурати, илмий ишлар натижалари ҳамда диссертация ишидаги илмий янгиликлар, тадқиқот ишининг асосий мазмуни хусусида батафсил маълумотларни қайд этиб ўтди.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5834-сон Фармонида, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4463-сон қарорида, шу билан бирга, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

А.Абдуллаевнинг маъруза тақдимотидан сўнг, Илмий кенгаш раиси У.Юсупов: жуда ҳам мазмунли маъруза бўлганлиги, айниқса долзарб мавзу сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсдаги соҳага оид асосий масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олганлиги, диссертация мавзуси соҳа мутахассислари ва архивчилар томонидан бугунги кунда асосий масала сифатида қабул қилинаётганлиги, мазмун жиҳатидан бундан кейинги илмий ишларга кенг йўл очиб бериши, мавзу юзасидан келгусида соҳада бундай илмий ишларнинг мавжудлиги бўйича бемалол мактаниб ҳам гапириш мумкинлиги хусусида сўз юритди. Шунингдек, йиғилишда маъруза юзасидан кенгаш аъзолари ва иштирокчиларининг мазкур диссертация иши бўйича савол ва таклифлари бўлса А.Абдуллаевга беришлари учун сўз берилди.

3. Илмий кенгашга таклиф қилинган Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги Геология фанлари университетининг проректори М.Ҳайдаров сўз олиб, ўз сузининг кириш қисмида Абдушукур Хамидовичнинг архив соҳасида кўп йиллар мобайнида фаолият юритганлиги, бир сўз билан айтганда, архив соҳасининг фидокори, жонкуяри сифатида аташ мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра қуйидаги саволни берди:

**Биринчи савол:** Диссертация иши натижаларини соҳага оид таълим йўналишларида қайси жиҳатларини қўллаш мумкин деб ҳисоблайсиз?;

**Иккинчи савол:** Тадқиқот иши натижаларини архившуносликдан бошқа таълим йўналишларида ҳам қўллаш мумкинми, агар мумкин бўлса унда қайси мутахассисликлар ва йўналишлар?

### **Жавоблар:**

Савол учун раҳмат! Иккала савол мазмунан бир бирига яқин эканлиги сабабли умумий битта қилиб жавоб берсам. Илмий тадқиқотлар натижалари, шунингдек ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар тўлиқ равишда архив иши ва архившунослик йўналишларида, давлат ва нодавлат архивларда, идоравий ва идоралараро архивларда, шу жумладан метрология, стандартлаштириш соҳаларида ҳам қўлланиши мумкин.

4. Техника фанлари доктори профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими факультети, Ахборот - кутубхона тизимлари кафедраси профессори, Илмий кенгаш аъзоси М.Рахматуллаев ўз сўзида тадқиқотчи А.Абдуллаевга диссертация иши юзасидан қуйидаги саволларни бериб ўтди:

**Биринчи савол:** Электрон ҳукумат (E-Government) тўғрисида гапирдингиз Интеграция жараёнида электрон ҳукумат, жумладан ягона электронлаштириш тизими ҳақида сизнинг фикрингиз қандай, электрон ҳукумат ва архив тизимини ўзаро интеграция қилиш жараёни қандай амалга оширилади?

**Иккинчи савол:** Бугунги кунда яхши биламизки замонавий архив технологиялари ва электрон архивлар яратиш бўйича қонунчилик тизими энди такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда Архив ишини комплекс ахборотлаштириш ва автоматлаштиришда хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик тўлиқ ўрганиляптими? Бугунги кунда, ғарбий ва Европа давлатларда замонавий архив технологиялари микрочиплар билан боғлиқ бўлган (RFID - Radio Frequency Identification) радиочастотали идентификациялашга асосланган бўлиб, архивлаш учун комплекс автоматлаштириш тизимини яратишда ушбу масалалар ҳисобга олинadими ёки ҳозирча улар кўриб чиқилмаяптими?

### **Жавоблар:**

1) Хабарингиз бор, бу жараён 2-3 йил аввал идораларда турли тизимлар ишга туширилиши ва ўзаро интеграциялашуви бошланган. Албатта ягона электронлаштириш тизимига бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 80 фоиз давлат ташкилотлари киритилган. Дастлаб, айрим ҳокимият идоралари алоҳида маълумот базаларини ишлатган, айрим жойларда эса ягона бўлган. Масалан архив ҳозирда ўз тизимини Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг базаларига интеграциялаш масаласи устида иш олиб бормоқда. Шунингдек ҳозир бу ерга нотариал идоралар уланмоқда, қачонки бирор бир нотариал ҳужжатни тасдиқлаш зарурати туғилганда шу тизимдан фойдаланилади. Охириги пайтларда меҳнат стажлари бўйича архив маълумотномаси талаб қилишга эҳтиёж ҳам қолмаслиги тўғрисида кўп гапирилмоқда, лекин шундай бўлса ҳамки электрон базада меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолаверади ва ундан бизнинг архив ва пенсия идоралари фойдаланиши учун имкон қолади. Қачонки унга эҳтиёж туғилган тақдирда ҳам архив органлари, ҳам пенсия жамғармаси фойдаланади. Ҳамма давлат органлари ўзларининг базасини яратишга тушдилар лекин интеграция қилиш масаласи кўйилганда ҳар бир бошқарув органлари ҳар-хил маблағ ишлатишгани мисол учун 500 млн, 300 млн сўм, интеграция қилиш учун эса камида 2,5 млрд. сўм зарур бўлади. Ҳар бирида алоҳида платформа, ягона интергация нуқтаси мавжуд эмас. Бунда барча томонларни ҳисобга олиш керак бўлади.

2) Албатта, RFID системаси ҳозирда қўлланилмоқда, Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида синов тариқасида ишлатиб кўрганимизда айнан шундай тизимлардан фойдаланганмиз ва у ерда микрочиплар

ёрдамида идентификация ва олдиндан ташкил этилган каналлар орқали маълумот юбориш йўлга қўйилган. Фақат бу ерда алоҳида симкартадан фойдаланиш керак бўлади. Шундай қилиб бу тизимлар автоматлаштирилган тизимларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

М.Рахматуллаев: Диссертация ишингизни 05.01.09 – “Ҳужжатшунослик, архившунослик ва кутубхонашунослик” мутахассислик шифри бўйича химояга олиб чиқиш масаласини кўриб чиққанмисиз?

**Жавоб:** Диссертация ишида кўриб чиқилган масалалар архивлардаги жараёнларни автоматлаштириш, шунингдек архив хизматларини архивлардаги ишлаб чиқаришнинг тугал маҳсулоти сифатида кўрилганлиги сабабли 05.01.08 – “Технололгик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш” ҳамда 05.03.02 – “Метрология ва метрологик таъминот” ихтисосликларининг уйғунлиги сифатида тавсия этилмоқда.

5. Тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий архиви катта илмий ходими М.Исакова ўз сўзида тадқиқотчи А.Абдуллаевга диссертация иши юзасидан қуйидаги саволларни бериб ўтди:

Қизиқарли маъруза учун раҳмат менда бевосита иш билан боғлиқ 2 та савол бор.

**Биринчи савол:** 1 боб 45-саҳифада (Авторефератдан келиб чиқиб айтаяпман) Сиз Ўзбекистонда архив иши ривожланишини уч босқичда деб бераёпсиз ва шунда иккинчи босқич фақат бир йилни 2004-2005 йилни ўз ичига олаяпти. Учинчи босқич эса 2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошланмоқда. Бу босқичларга бўлиш нима билан асосланмоқда? Охирги давр, яъни ҳозирги кунгача деб ўзгартириш лозим, сабаби мен тушунишимча илмий иш хронологияси ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олмоқда. Шу билан бирга мен шу босқичларга тушунтириш берилишини истар эдим. Нега уч босқич ва нега айнан шу йилларга бўлинган?

**Иккинчи савол:** Қайси вазирлик ва идоралардан илмий ишингиз натижаларини жорий этиш далолатномаларини олгансиз?

**Жавоблар:**

1) Биринчи босқич 1991 йилдан бошланади ва 2003 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Мен юқорида таъкидлаганимдек 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони, 2002 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сон қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар билан Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш вазифалари белгилаб берилди. 2003 йилда эса айнан шу архив иши секторида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни такомиллаштириш ва автоматлаштирилган ишчи ўринларни ташкил этиш бўйича Дастур қабул қилинди. Айнан шундан кейин молиявий ресурсларни юқоридаги мақсадларга сарфлаш, ИКТни жорий этиш бўйича ишлар бошланди. 2004-2005 йиллардан бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиндики бу архив соҳасида ва бошқа давлат идоралари соҳасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланишига туртки берди. 2006 йил эса ўзига хос бурилиш йили бўлди шу йили биз барча архивларимизда электрон почта

орқали ахборот алмашилини йўлга қўйдик. Архивлараро ахборот алмашинувида ярим автоматлаштирилган муҳит яратилди. 2006 йилдан бир неча йил ўтганидан сўнг Жанубий Корея грантини олиш ва Ўзбекистон марказий давлат архивларини ахборот тизимларини шакллантириш бўйича ишларни олиб борганмиз. Бу босқичларга бўлишда фақат автоматлаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқилган.

2) Хозиргача илмий ишлар натижалари республикамизнинг Миллий архивларида, архившунослик бакалавриатура ва магистратура йўналишларида, шунингдек метрология ва метрологик таъминот йўналишларида ўқув режалари ва дастурларини модернизация қилишда, тармоқ ташкилотларида кадрлар бошқарувини оптималлаштиришда қўлланганлиги хусусида тегишли далолатномалар мавжуд. Шу билан бир қаторда Ўзархив Агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Кадастр Агентлигининг тегишли маълумотномалари ҳам олинган.

У.Юсупов: Бошқа савол берувчилар борми? ... Йўқ бўлса муҳокамаларга ўтамиз. Марҳамат кимда қандай тавсия ва таклифлар бор?

6. М.Исакова тадқиқотчи А.Абдуллаев диссертация иши бўйича тақриздан қисқача таклифларини билдириб ўтди. Жумладан:

Тадқиқотчи томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар, ўрганилган муаммо ва масалалар жуда долзарб. Бу муаммолар нафақат бугун балки 40 йилдан зиёд давр мобайнида долзарб бўлиб келмоқда. 1987 йилдаёқ АҚШ мутахассислари Бутунроссия архив иши ва иш юритиш илмий тадқиқот институтига ташриф этганларида архивчиларни тарихчилар базасида тайёрлашлик уларни ҳайрон қолдирган эди. Мақола ҳам чоп этилган эди. Унда нима учун АҚШда ахборот технологиялари базасида архивчилар тайёрланган бир пайтда нега собиқ Иттифокда тарихчилар базасида тайёрландилар деган масалани кўтарганлар. Иттифокдаги мутахассислар биз кўпроқ тарихий ҳужжатлар билан ишлайдиган мутахассислар юзасидан йўналиш оламиз деб жавоб беришган. Бундан кўриш мумкинки ривожланган мамлакатларда 1970 йиллардан ахборот технологиялари жорий этилган тизим сифатида архивларга алоҳида эътибор қаратилган. А.Абдуллаев диссертация ишида айнан ушбу масалаларни республика архив ишида жорий этишга чорлаш масалалари акс эттирилган. Республикамиз афсуски бу масалада энди илк қадамларни қўймоқда, муаммо балки бу масалада илмий-ишларнинг йўқлигида бўлиши мумкин. А.Абдуллаевнинг бу иши нафақат биринчи бўлади балки кейинги илмий изланишлар учун йўл очиб беради.

Шу билан бирга илмий иш бўйича бир неча таклифларим мавжуд:

1) ОАКнинг охириги талабларидан келиб чиққан ҳолда хорижий тадқиқотлар мавзуси устида яна бир ишлаш, ишда келтириб ўтилган масала устида ишлаб келаётган муассасаларнинг фаолиятини кенгроқ ёритиш, бу маълумотлар билан танишиш имконини берадиган ҳаволаларни келтириш, муаммони ўрганилган ҳолати қисмида ишларни гуруҳларга тизимлаштириш, киритилаётган архивометрия каби янги атамаларга шарҳ бериш, ишнинг янгилиги қисмида кўпроқ натижаларни жорий этиш қисми билан боғлаш, патент олинганлигини кўрсатиш.

2) Илмий ишлар натижаларини жорий этиш қисмини яна қайта кўриб чиқиш, қайси вазирликдан далолатнома олинган бўлса, айнан шу қисмида жорий этилган тизимлар нимага хизмат қилишини батафсил кўрсатиш лозим.

3) Диссертациянинг кириш қисмида журналларда чоп этилган сифатида 19 та мақола кўрсатилмоқда, аммо рўйхатда фақат 17 та кўрсатилган бу масалада ҳам аниқлик киритилиши лозим.

4) Диссертацияни асосий қисми бўйича архив ишини такомиллаштириш бўйича уч босқичга бўлишда 1991 йилдан эмас, балки 1992 йилдан бошлаш лозим. Сабаби айнан 1992 йилдан республикадаги архив иши собиқ иттифоқ тизимидан мустақил ҳолда ишлаши тўғрисида тегишли ҳужжатлар қабул қилинган. Иккинчи босқични эса 2008 йилгача узайтиришни таклиф этаман чунки айнан шу йили Ўзбекистон марказий давлат архивларини ахборотлаштириш масалалари ҳукумат даражасига кўтарилди. Ва айнан шу йилдан учинчи босқични бошлаш, сабаби айнан шу йилдан ривожланиш йили бошланди десак бўлади.

Умуман, илмий иш якунланган, зарур амалий хулосалар чиқарилган деб ҳисоблайман.

7. М.Рахматуллаев: Диссертантга ишни ҳимояга олиб чиқишда қўшимча равишда бир нечта ёрдамчи материалларни тайёрлашни тавсия этмоқчиман.

1) Диссертациянинг кириш қисмидаги тадқиқот вазифалари ва илмий янгиликлар бўлимларини ўзаро уйғунлашувига аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

2) Фойдаланилган адабиётларни айнан ишга алоқадорлигига эътибор қаратиш лозим.

3) Диссертация ишида акс эттирилган илмий тадқиқотлар ва олинган ечимларни ҳимояга режалаштирилаётган ихтисослик шифрларининг паспортидаги белгиланган қайси соҳалар кўламига мос келишини жадвал тарзда ишлаб чиқиш лозим. Бу ихтисослик шифри тўғри аниқланганлигини асослашга катта ёрдам беради.

4) Мен 05.01.09 – “Ҳужжатшунослик, архившунослик ва кутубхонашунослик” Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида мазкур кенгаш паспортида белгиланган соҳаларни инобатга олиб, диссертация ишини Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси семинарига муҳокамага киритишни тавсия этмоқчиман.

Менинг ҳам якунловчи хулосам шуки – Диссертация иши якунланган, натижаларини ҳимояга йўналтириш мумкин.

8. Техника фанлари доктори доцент, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори Б.Аҳмедов томонидан М.Исаковага тақриз учун, муҳокамада иштирок этганларга билдирилган таклиф ва тавсиялар учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, илмий маслаҳатчи сифатида А.Абдуллаевга тақриз асосида билдирилган таклифларни инобатга олиб, ундан юқори даражада фойдаланган ҳолда диссертация мавзусини қайта таҳрирлаш, тегишли қисmlарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва қайд этилган қисmlарини янада такомиллаштириш таклифини билдирди ҳамда бу бўйича жавоблари бўлса ўз мулоҳазаларини билдиришларини сўради.

Тадқиқотчи А.Абдуллаев диссертация иши юзасидан тақриз берган М.Исаковага ҳамда бошқа иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини билдириб, берилган таклиф ва тавсияларни албатта инобатга олган ҳолда диссертациянинг янги таҳрирланган вариантини тақдим этилишини таъкидлаб ўтди.

9. Илмий кенгаш раиси У.Юсупов диссертация иши юзасидан қўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмаса, илмий кенгаш аъзолари ва иштирокчиларидан кун тартибидаги масала – тадқиқотчи А.Абдуллаевнинг диссертация иши юзасидан муносабат билдиришни, яъни диссертация мавзуси, мазмуни ва ҳар томонлама олиб борилган тадқиқот ишлари, ҳамда хулосалар Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) талабларига жавоб беради деб ҳисобланса уни овозга қўйишни (бунда маъқуллаш, қарши ёки бетарафлигини билдирган ҳолда) фикр

билдирилишини таклиф этди. Шундан сўнг, овоз беришда – илмий кенгаш аъзолари ва таклиф этилган иштирокчиларнинг барчаси А.Абдуллаевнинг диссертация иши долзарблиги, мазмуни, килинган хулосалар нуктаи назаридан ОАКнинг талабларига мос келиши бўйича маъқуллаш учун қўл кўтаришди, қарши ёки бетарафлигини билдириб қўл кўтарганлар бўлмади. Диссертация иши бир овоздан маъқулланди.

Илмий кенгаш Қарор қилади:

1. Мустақил тадқиқотчи Абдушукур Хамидович Абдуллаевнинг “Архив фаолиятини автоматлаштиришнинг долзарб муаммолари ва асосий жиҳатлари ҳамда унинг метрологик таъминоти масалалари” мавзусидаги диссертация иши юзасидан билдирган таклиф ва мулоҳазалари **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Илмий кенгашда билдирилган таклифлар асосида Диссертация иши бир овоздан **маъқуллансин** ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси семинарига муҳокамага киритиш учун тавсия этилсин.

## II. Илмий кенгаш фаолиятига оид турли масалалар

(У.Юсупов, А.Файзуллаев, У.Юсупов)

10. Илмий кенгаш фаолиятига оид масалалар юзасидан кенгаш раиси У.Юсупов кенгаш котиби А.Файзуллаевга йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар ва уларнинг юритилиши бўйича фикрларини билдиришни сўради.

“Ўзархив” агентлигининг Архив иши бўйича ташкилий-методик ишлар бўлими бошлиғи, Илмий кенгаш котиби А.Файзуллаев ўз нутқида, Илмий кенгаш таркибига қўшимча аъзолар киритилиб янги таркиб тасдиқланганлиги, кейинги йиғилишларда кўриладиган масалалар ва материаллар юзасидан талабгор томонидан олдинроқ лойиҳа ҳамда таклифлар тақдим этилса, йиғилиш масаласи тўғрисида илмий кенгаш таркибини ўз вақтида хабардор қилишга вақт етарли бўлишини, илмий ишлар юзасидан билдириладиган тақриз, таклиф ва тавсиялар матн кўринишида ҳам тақдим этилса, баённомага киритиш ва илова қилишда асос бўлишини таъкидлаб ўтди.

Илмий кенгаш раиси У.Юсупов томонидан Илмий кенгашнинг янгиланган таркибини биринчи йиғилиш баённомаси ва Агентликнинг тасдиқланган буйруғи асосида тақдим этилиши, кенгашда кўрилган масалалар ҳамда тегишли қарорлар биринчи ва иккинчи йиғилиш баённомалари орқали етказилиши айтиб ўтилди.

11. Илмий кенгаш фаолиятига оид билдирилган таклифлар **маълумот учун қабул қилинсин**, кенгаш котиби А.Файзуллаев томонидан илмий кенгаш йиғилиши баённомаларини расмийлаштириш ҳамда кенгаш аъзолари ва иштирокчиларига етказилиши **таъминлансин.**

Йиғилиш сўнггида Илмий кенгаш раиси У.Юсупов: Фурсатдан фойдаланиб Абдушукур Хамидовичга тадқиқотчилик ишларига ривож тилаган ҳолда бу илмий иш барчага, яъни архивчи ва архив соҳаси учун ниҳоятда керакли иш деб баҳолашини билдириб ўтди.

12. Мазкур Илмий кенгаш баёнида белгиланган вазифаларни бажарилишини назорат қилиш Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиқовга юклатилсин.

Йиғилиш баёнини тузувчи:  
Илмий кенгаш котиби



А.Файзуллаев